

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 8 май, № 97 (7877)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий қўллаб, эзгу тилақларини изҳор қилдилар.

Елкама-елка туриб бирга қаҳрамонона жанг олиб борган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган халқларимизнинг буюк жасорати миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражада фаол мулоқотлар давом эттирилмоқда, Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида илк бор Россиядан ташқарида кенг миқёсда ташкил этилган

Халқаро "Иннопром" кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдони кўпайтириш бўйича биргаликда қўшимча чоралар кўриш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Парламентларо алмашинувлар кенгаймоқда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Мулоқотда Президентлар халқаро кун тартиби ҳамда минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги шерикликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Минтақадан тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Бўлажак тadbирлар режаси ҳам кўриб чиқилди. Олий даражада ўтказилиши режалаштирилган учрашувларнинг кун тартибини тайёрлашни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимги шадек самимий, дўстона ва ишчан руҳда бўлди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти, Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар Ғалаба кунини ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ҳайити билан бир-бирларини самимий табриқлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Сўхбатда Ўзбекистон — Қозоғистон кўп қиррали ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиёдаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Турли даражалардаги фаол ва самарали икки томонлама мулоқотлар туфайли ҳамкорлик ижобий суръатда ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 28 фоизга ўсди. Ўтган ойда чегарасиз худудлардан қаранда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича халқаро марказ қурилиши бошланди.

Устувор инвестиция ва инфратузилма

лоийҳаларини биргаликда тайёрлаш ва амалга ошириш, жумладан, Учқудуқ — Қизилўрда автомобиль ва темир йўллари ҳамда Туркистон — Тошкент тезкор темир йўлини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Икки мамлакат худудлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда, маданий-гуманитар алмашинув борасидаги муҳим дастурлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва Элбоши биродар халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшнчилик ришталари, ишонч ва шериклик руҳидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим эканини алоҳида таъкидладилар.

Ў.А.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РУСТАМ ҚОСИМОВ ОИЛАСИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРАДИ

Мамлакатимиз жамоатчилиги жудолукка учради. Давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, таниқли олим ва педагог Рустам Қосимов 7 май куни оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга ташриф буюриб, марҳумнинг фарзандлари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Рустам Собирович Қосимов 1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультетида ўқиб, меҳнат фаолиятини Тошкент сўв ҳўжалиги институтида араб тили таржимонлигидан бошлаган. Кўп йиллар олий таълим соҳасида турли вазифаларда ишлаган. 2004 — 2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари сифатида фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳалар ривожига ҳисса қўшган. Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори вазифаларида ишлаб келаётган эди.

Р. Қосимовнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, 2006 йилда "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланган эди.

Давлатимиз марҳумнинг кўнгил сўраши оғир дамда марҳумнинг оиласига ҳамдардлик, катта далда бўлди.

Қурьон оятлари тиловат этилиб, дуо қилинди. Президентимиз марҳумнинг эзгу ишларини ёдга олди.

— Жуда қайғудаман. Қўлимиздан келганини қилдик. Худонинг иродаси экан. Ватанга садоқатли, фидойи, ақли инсон, миллатимизнинг зиёлиларидан бирини йўқотдик. Биз жуда кўп йиллар бирга ишлаганимиз, оғир кунларимиз ҳам бўлган. Ҳозир ҳам менга энг катта ёрдамчи, маслаҳатгўй эди. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин. Ишларини фарзандлари давом эттирсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марҳумнинг оиласи доимий эътиборда бўлиши таъкидланди.

Ў.А.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибидagi ҳар бир масала юзасидан депутатлар томонидан турли фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ўртага ташланди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда ҳам мамлакатимиздаги энг йирик назорат органларидан бўлган Ҳисоб палатасининг фаолиятига оид ўзгаришлар назарда тутилмоқда.

### Ҳисоб палатасига қандай ваколатлар берилляпти?

Депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда модда-модда ва атрофлича кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида Ҳисоб палатасининг асосий вазифа, функция, ҳуқуқ ва ваколатларини амалга ошириш ҳамда соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Лойиҳа билан Ҳисоб палатасига мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат божи тўламасдан судга мурожаат этиш ваколати бе-

рилмоқда. Шунингдек, Ҳисоб палатаси текширувлар ўтказиш жараёнида унга керакли ҳужжатлар, мутахассислар ажратиш мажбурияти лойиҳада ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бюджет маблағлари мақсадли, оқилона ҳамда самарали сарфланишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.



### МИГРАНТЛАР ВА УЛАРИНИНГ ОИЛАЛАРИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ?

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган "COVID-19 пандемияси пайтида мигрантлар ва уларнинг оилаларига ёрдам бериш" мавзусидаги давра сўхбатига айни масала чуқур таҳлил қилинди. Тадбир "гибрид" форматда — онлайн ҳамда офлайн тарзда бўлиб ўтди.

### Давра сўхбати

Унда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Андижон, Бухоро, Қашқадарь, Сурхондарь ҳамда Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Халқаро миграция ташкилоти ҳомийлигида амалга оширилаётган "COVID-19 пандемияси даврида мигрантлар ва уларнинг оилаларига ёрдам" лойиҳаси ҳақида, шунингдек, пандемия пайтида қайтиб келган эхтиёжманд ва зарар кўрган мигрантларини ҳамда уларнинг оилаларини қайта интеграция қилишда кўрсатилган ёрдам тўғрисида ахборот берилди.

Лойиҳани амалга ошириш учун 5 та — Андижон, Бухоро, Қашқадарь, Фарғона ва Сур-

хондарь вилоятлари танабб олинди. Ушбу худудларда фаолият юритаётган "Барқарор ҳаёт", "Меҳримиз сизга", "Меҳржон", "Юксалиш" ҳамда "Ойдин Нур" нодавлат ташкилотларига 7 минг АҚШ доллари миқдорига субгрантлар ажратилди. Улар ўз оиласига қайтиб келган 580 нафар муҳтож мигрантларга руҳий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатди. Улардан 60 нафари ХМТнинг 2,5 минг долларлик грантларига эга бўлиб, ўз бизнесини очиб ушунга устуналар сотиб олди, 25 та соҳада ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, янги иш ўринлари яратди.

Тадибир доирасида меҳнат мигрантлари ҳақида видеороликлар тақдим этилди ва қайта интеграция бўйича қўмак фаол мигрантлар тўғрисида ҳикоятлар тингланди ҳамда қайтиб келган мигрантлар салоҳияти ва қайта интеграциясини янада ривожлантириш учун ижтимоий сўров ўтказилди.

«Халқ сўзи».

## ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШМОҚ ИСТАГИ

Ҳар тилини билув эмди бани одама жондур, Тил воситаси робитани оламиёндур. Ғайри тилини саёй қилинг билгалли ёшлар — Ким илму хунарлар ривожини ондин аёндур.

Бу мисраларни бундан бир аср илгари маърифатпарвар бобомиз Аваз Ўтар ёзган. Биз бугун ўта қолоқ деб қарашга ўрганиб қолганимиз уша замонда ҳам тил ўрганишга тараққиётнинг, дунё билан бўйлашишнинг муҳим воситаси сифатида қаралганига бобомизнинг ушбу хитоби ҳам ёрқин мисол бўлиши мумкин.

### Муносабат

Энди бугунги глобаллашиб, маданиятлар қоришиб, кадриятлари миллий ўзлик тушунчалари орасидаги масофалар тобора қисқариб бораётган замонавий-пост-модерн дунёда жаҳонга интеграциялашиб, таълим муҳим ва асосий фактор сифатида яна маъдонга чиқди.

Бугун замоннинг ўзи шундай тенгламани ҳосил қилдики, унга кўра, тил билмасанг халқаро бизнесда, сиёсатда, иқтисодиётда, илм-фанда, ахборот ва коммуникация тармоғида санга жой йўқ. Шафқатсиз ва адолатсиздай туюлувчи ушбу талаб, гарчи кўпчиликка ўнғайсиз-

лик тугдирса-да, бугун барча томонидан тан қоришиб, кадриятлари миллий ўзлик тушунчалари орасидаги масофалар тобора қисқариб бораётган замонавий-пост-модерн дунёда жаҳонга интеграциялашиб, таълим муҳим ва асосий фактор сифатида яна маъдонга чиқди.

Тил масаласи ижтимоий фактор ўлароқ, сиёсий-мафкуравий аҳамият ҳам касб этган. Ҳозирги кунда буни илғаш кўп қийин эмас. Нега десангиз, тилга барча замонда миллатнинг маданиятини, ўтмишини, руҳияти ва ўзлигини ўзида акс эттира оладиган энг қимматли бойлик, илмий тилда айтганда, энг ноб, махсус миллий код сифатида қаралган ва ҳозир ҳам шундай.

Зеро, бу масалага ўта тор нуқтаи назардан ёндашиш турли тушунмовчиликлар-



ни келтириб чиқиши ҳам бор гап. Масалан, баъзи жамиятларда мавжуд бўлган радикал ва ультраимиллатчи қанотларнинг "хукмон тил", "гегемон тиллар" ва гўёки улар ташлаётган кўлапка остида миллий тилларнинг қолиб кетаётгани ҳақидаги бақир-чақирларига ижтимоий тармоқларда кунда-кунора кўзингиз тушиши мумкин. Эҳтимол, уларнинг "оҳ-воҳи"да ҳам жон бордир, балки улар мансуб жамиятлар ҳукмон сиёсий элитаси масалага бир томонлама ёндашаётгандир.



## ТАШАБУС БОР ЖОЙДА ИШ ЮРИШАДИ, МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллабай кесимда амалга оширилаётган тадбирлар, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоятга муҳтож қатлам билан ишлашнинг аҳоли, халқ билан юзма-юз мулоқот орқали жойлардаги муаммоларни ўрганиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

### Халқ билан юзма-юз

Сенат Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ Чортоқ туманининг Бешкала маҳалласидаги кичик саннат зонасида амалга оширилаётган ишлар билан та-

қатор ташаббускорлар ўз бизнесларини бошлашга ҳам улғуришди. Улардан бири — "Ойдинтекстиль" масъулияти чекланган жамияти уч қаватли ишлаб чиқариш биносига калава ил ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйган. Лойиҳанинг биринчи босқичида 35 маҳаллий фуқаронинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 8 нафари яқин вақтга "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" руҳида туришган эди. Эндиликда 1-1,5 миллион сўмгача маош олиб,

рўзгорига барака киряпти. — Бу катта ишимизнинг бошланиши, — дейди корхона таъсисчиси Мухайё Банноева. — Яқин вақт ичиди хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган технологияни жорий этишни кўзда тутганмиз. Шунда калава ипни йиғиришдан бошлаб, тайёр кийимгача бўлган барча жараён ўзимизда амалга оширилди. Бу — миникастер, дегани. Бироқ лойиҳа ижроси силлиқчана кетаётгани йўқ.



## Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч

### ЖАСОРАТИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари тақдим қилинаётди.

Қорақалпоғистонда 6 нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилади. Нукус шаҳри ҳамда Ҳўжайли, Қонлиқул, Қораўзақ, Қўнғирот ва Тўрткўл туманларида умргузаронлик қилиб келаётган отахонлар ҳамма хурмат-эътиборда.

Ҳўжайли туманида яшовчи 96 ёшли Нурулла ота Исоқов уруш йилларини эсларкан, бугунги дорилардан кунларга шукрона айтади. Давлатимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган ғамхўрликларидан миннатдор эканлигини тақдор-тақдор айтади. Байрам муносабати билан туман прокуратураси, "Нуроний" жамғармаси, ўқувчи-ёшлар,

жамоатчилик вакиллари Нурулла отани йўқлаб келди. — Нурулла ота бизнинг фахримиз, — дейди "Нуроний" жамғармаси Ҳўжайли тумани бўлими бошлиғи Таввақал Абдуқўлиқов. — Бу инсоннинг жасорати, фидойилиги, ҳаёт йўли ёш авлодга ибрат, албатта.

Нурулла Исоқов 1943 йил сентябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилиб, кичик командирлар тайнёрлаш курсини тамомлайди. Сержант ҳарбий унвонига Беларусни фашистлардан озод этишда қатнашди. Икки марта оғир яраланган. 1944 йил октябрь ойида II гуруҳ уруш ногирони бўлиб уй-

га қайтади. Бир қанча давлат мукофотлари билан тақдирланган. Нурулла ота турмуш ўртиги Ҳамда Юсупова билан биргаликда ўч ўғил, олти қизни камолга етказди. Айни пайтда неварою чеваралари ардоғида ҳаёт кечирмоқда.

Байрам муносабати билан уюштирилган тадбирларда отахоннинг кайфияти ғоят чоғ бўлди. Айниқса, санъаткорлар ва ўқувчи-ёшлар қўшқ ижро этганида Нурулла ота ҳам жўр бўлиб қўйлай бошлади.

Оролбўйи туманларида "Хотира бор экан — миллат барҳаёт", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шioriлари остида ўтказилаётган тадбирлар давом этмоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»), Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## БУНЁДКОРЛИК ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Ҳаёт ҳақиқати шуки, қайси мамлакатда тинчлик ва тараққиёт бўлса, уша давлатда фаровонлик, ободлик ҳамда бунёдкорлик қарор топади. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ишловлар юртимиз ҳар жабҳада ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

### Нуқтаи назар

Биргина қурилиш соҳасини олайлик. Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қурилиш вазирлиги томонидан соҳанинг фаолият турларини рақамлаштириш, тендер савдоларини такомиллаштириш, қурилиш-пулрат ташкилотлари рейтингини жорий этиш, шаҳар-созлик нормаларини янгилаш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, барча босқичда шаффофликни таъминлаш, инновацион ишланмалар ва илгор ахборот технологияларини кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада биринчи галда давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ва маҳсулотларини жамоатчиликка онлайн тақдим этиш имконини берувчи "Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри" географик ахборот тизими (геоортал) ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Шу билан бирга, ҳозирги пайтда қурилиш жараёнлари калькуляторлари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, уларда юртдошларимиз томонидан бунёд этилиши режалаштирилган ҳар қандай иншоотларнинг қурилиши ва у билан боғлиқ ишлар учун қайси жараёнлардан ўтгилиши аниқ кўрсатилади. Бу — аҳоли ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларга шаффоф, аниқ тизим орқали қўмак бериш, дегани. Соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиб, "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими ишга туширилди. Бу эса коррупция, ортқича вақт ҳамда бюрократик тўсиқларнинг олдини олишга замин яратди.



Ушбу мавзуга оид мақолалар билан газетанинг 4-саҳифасида танишинг.

# АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

## Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйилади

Мажлисада депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқдилар.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги қарори билан 2019 йил 1 декабрдан бошлаб кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати киритилган дори воситаларининг қачана реализацияси фақат ижтимоий дорихоналар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни саклаш, реализация қилиш учун лицензия мавжуд бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Аммо шундай бўлса-да, амалиётда бундай ҳуқуққа эга бўлмаган дорихоналар томонидан мазкур моддаларни ноқонуний реализация қилиш ҳолатлари кўпайиб кетган.

Айни чоғда, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатларнинг кескин ортаётганини кузатишмоқда. Мисол учун, Жиноят кодексининг 251-моддаси билан қўзғатилган жиноят ишлари сони 2019 йилда 23 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу рақам 230 тага етиб, жиноят-

лар сони 10 баравар кўпайган. Бундай қонунбузарликларга йўл қўймаслик, дори воситаларининг ноқонуний реализациясига чек қўйиш мақсадида кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалга қилганлик учун жавобгарликни белгилашга қаратилган нормалар такомиллаштирилмоқда. Қонун лойиҳаси билан таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситаларининг ноқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бирга, кучли таъсир қилувчи моддалар, жумладан, таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларининг ноқонуний муомаласидаги "кўп миқдор" тушунчасини аниқлаш бўйича ягона амалиётни шакллантириш учун ушбу миқдор унинг ҳажмига қараб тегишли давлат органи томонидан белгилаши мустаҳкамланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини, миллият генотипини асраш, шунингдек, таъсири кучли моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйишга хизмат қилади. Лойиҳа депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Расмий статистика халқаро миқёсда тан олинади

Навбатдаги "Расмий статистика тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда модда-модда қўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари аъзолари фаол қатнашиб, ўзларининг эътирозларини, таъкидларини очиб-ойдин билдирди. Натижада барча таъкид лойиҳадаги нормаларда ўз аксини топти. Шунингдек, лойиҳани такомиллаштиришда миллий ва халқаро қонунчилик амалиётидан кенг фойдаланган тўғрисида унга бир қатор таҳрири ҳақида ҳуқуқий тўғрисидаги ўзгаришлар киритилди. Лойиҳа янада такомиллаштирилди. У халқчил тилда, тушунарли бўлишига зўр берилди.

Лойиҳада алоҳида ажра-

тиб баён этилган 17 та асосий тушунчадан 8 таси моддалар тарзида изоҳланиб, тушунарли мазмунни кенг қўрилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан лойиҳани пишиқ-пукта қилиш бўйича билдирилган таъкид ва тавсиялар инobatга олинган кайда этилди.

Халқ вакилларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши миллий статистика тизимидаги субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини қатъий равишда ҳамда халқаро миқёсда расмий статистиканинг тан олиншига институционал замин яратди.

Қизгин муҳокамадан сўнг, қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилган бўлди.

«Халқ сўзи».

# ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЁДГА ОЛИНДИ

Ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган адиб, Ўзбекистон Қажрамони, Халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов ҳаёт бўлганда 7 май кунини 92 ёшга тўлган бўлар эди.

## Хотира

Тошкент давлат аграр университетида таниқли ёзувчи таваллуд санаси муносабати билан адабий кеча ташкил этилди. Унда адабнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ хотиралар ёдга олинди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда адабиётни ривожлантириш, ёзувчи ва шoirлар, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизда Адиблар хибони барпо этилгани халқимиз ардоғидаги ижодкорлар хотирасини абадийлаштириш, ижоди ва фаолиятини ўрганиш ҳамда тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хибонда халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг ҳам салобатли ҳайкали қад ростлаб турибди.

Таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Адиблар хибонинини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш мақсадида бу ерда ҳайкали ўрнатилган ижодкорлар ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш муайян бир олий ўқув юртига

юклатилган. Ушбу вазифа ижроси доирасида Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус, Термиз, Андижон филиаллари қорақалпоқ элининг асл фарзанди, атоқли адиб Тўлепберген Қаипбергенов адабий меросини ёшлар орасида тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Университетда ва унинг филиалларида адиб ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган музейлар ташкил этилди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб университет ва унинг филиаллари талабалари учун Тўлепберген Қаипбергенов номидаги махсус стипендия жорий этилди.

Шу йил 1 — 7 май кунлари Тўлепберген Қаипбергенов ижоди ҳафталиги ўтказилди. Тадбир доирасида турли танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Адабий кеча ниҳоятда Тўлепберген Қаипбергенов стипендиантларига гувоҳоналар топирилди. Ҳафталик доирасида ўтказилган танлов голиблари таъкидланди. Шу кунни пойтахтимиздаги Адиблар хибонидида ижодкор ҳайкали пойи гулга бурканди.

«Дунё» АА.

# ТАШАББУС БОР ЖОЙДА ИШ ЮРИШАДИ, МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ

Масалан, тўқилган газламан буюкдан чиқариш, гул босиш учун, аввало, газ ёнилгиси керак. Бизда эса зарур босимга эга газ йўқ. Технологик "занжир"нинг айни бунёдига эътибор тўғрисида амалда тўқувдан чиқарилган матога гулни бошқа турдош корхонада бостириб келишга мажбур бўлаемиз. Бунинг учун баъзан ҳафталаб навбат қutiшга тўғри келаётми.

Сенат Раиси тадбиркор кўтарган масала бўйича туман мутасаддиларига юзланди. Улардан юқори қувватли газ тақсимлаш қурилмасини ўрнатиш режаси тайёрлангани ҳақидаги жавобни эшитиб, ишни тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Зеро, бу сингари махсулоти экспорт-боп корхоналарини астойдил қўллаб-қувватлаш кўзланган мақсадларимиз рўйибага қанот бағишлайди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали олис ҳудудлар аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш борасидаги амалий ишлар қозонида ҳам кенгайиб бораётгани кузатилади. Масалан, Ораарик маҳалласида тадбиркор Абдуғаниш Каримов томонидан ишга туширилган "Doktor A" хусусий клиникаси дардида даво истаб юрган кўп қўллаб-қувватлашнинг йўлини яқин қилди. Халқаро андоза-

лар даражасида ишлашни мақсад қилган муассасада стоматология ва гинекология йўналишида хизмат кўрсатилаётми. 20 ўринли стационари, дорихонаси бор. Муассаса ишга тушиши билан 25 киши доимий меҳнат ўрнига эга бўлди.

— Атрофдаги маҳаллаларни қўшиб ҳисоблаганда ҳудудимизда уч мингга яқин туғуруқ ёшидаги аёллар бор, — дейди акушер-гинеколог Замира Рахматуллаева. — Биз иш бошлаганимизга қадар улар малакали маслаҳат ёки даволаниш учун 40 километр йўл босиб, туман марказига боришган. Энди бундай оворагарчилик йўқ. Қўриққа келаётганлар орасида ижтимоий кўмакка муҳтож, яъни "аёллар дафтари"га киритилган маҳалладошларимиз ҳам бор. Улардан 52 тасига бепул даволаш курси билан тиббий ёрдам кўрсатилади.

"Бест пирамида" хусусий корхонаси ҳам маҳаллабай тизимдаги ўрганишлар натижасида Пешқўрғонда аниқланган ишсиз хотин-қизлар муаммосини ҳал қилишда астойдил туриб берган бизнес субъектларидан. Бу ерда трикотаж махсулотлари тайёрлаш билан шуғулланилади. Тикув дастгоҳларида ишлаётган 40 нафар хотин-қизнинг ўндан зиёди яқин вақтгача ўзига моё юмш йўқлиги-

дан уйда ўтириб қолганлигини унутган йўқ. Улар янги касбни қисқа вақт ичида ўзлаштиришди. Тикан кийим-кечаклари хорижий буюртмачиларга ҳам маъқул келгани боис корхона яқинда россиялик ҳамкорлар билан 300 миң АҚШ доллари қийматидаги дастлабки экспорт шартномасини имзолади.

Навбатдаги манзил — Богистон маҳалласидаги "Богистон мега текстиль" масъулияти чекланган жамияти. Собиқ агрофирманинг фойдаланилмаётган икки қаватли биноси ўрнида ишга туширилган тикуч-трикотаж цехида 45 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётми. Улар мулоқот чоғида маълум бўлдики, улар уйларида унча узоқ бўлмаган жойдан иш топангидан гоят мамнун. Уйдан, болалардан кўнгли тўқ, меҳнат унуми ҳам шунга яраша.

Тикувчилик цехи жойлашган бинодан ажратиб берилган иккита хонада "Аёллар маслаҳат маркази" фаолият кўрсатади. Маҳалланинг обрўли онахонлари бу ерда тез-тез йиғилиш туришида — мақсад битта: оилалар аҳил-иноқ яшасин. Яраштириш комиссияси, "Ораста қизлар", "Ифтилоқ келин" клублари иши намунали йўлга қўйилган.

Сенат Раиси шу жойдаги мулоқотда аёлнинг оиладаги, фарзандлар тарбиясидаги ўрни ҳақида тўхталиб,



ўғилми-қизми чуқур билим олишга, айниқса, тил ўрганишга қизиқтиришга аҳамият бериш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

— Очигини айтсак, оналар кўпроқ қизлар тарбияси билан шуғулланишга одатланишган, — деди Т. Норбоева. — Бирор хунарни ўргатиб, тенги чиқсаю тезроқ узатишса. Аслида, ўғил болалар, уларнинг ўқиши, бирор касбни эгаллаши ҳам четда қолмаслиги шарт. Улар улғайиб, мустақил оёққа турган уйлантирайлик. Токи, эртага рўзгор "араваси"ни дадил тортиб кетсин.

Ишчи гуруҳи аъзолари шу кунги Балиқликүл маҳалласидаги Султон Увайи Қороний мажмуаси билан ҳам танишди. Бу ердаги музей биносидида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ва секторлар раҳбарлари, сиёсий партияларнинг вакиллари билан мулоқот ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунланди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

# ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШМОҚ ИСТАГИ

Яъни жамиятга ҳаёот тилларини трансформация қилиш миллий тилларнинг "пилигини пасаитириш" эъзаига бўлаётгандир. Шундай ҳам бўлиши мумкин. Албатта, бу йўл адолатли эмас.

Шу маънода гапирганда, тил ўрганиши бугун қанчалик долзарб аҳамият касб этишига қарамадан, миллий жамиятлар олдида "глобал таъсир"лардан ҳимояланиш масаласини ҳам кўндаланг қўяётми.

Бу, энг аввало, этник хусусиятлар, жумладан, миллий тилни ривожлантириш ва парваришлашни назарда тутайди. Менинг бу мулоҳазаларни ёзишимга, албатта, сабаб бор. Кунин кеча Президентимизнинг ҳаёот тилларини ўрганишга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши, ўйламанки, мендан бошқаларда ҳам фикр уйғотгани ёки қалам тебратшига илҳом берган бўлса, ажаб эмас. Зотан, хорижий тилларни ўрганиш масаласи давлат раҳбари даражасида қатъий айтилиши ва кун тартибига қўйилишига аллақачон вақт этилган эди.

Бу ўринда айнан бугун, илгарича ҳам бу масала муҳим бўлмаганим, деганга ўхшаш иттифоқ бўлиши мумкин. Бироқ мен ушбу масала жуда ўрнида ва обитобида кун тартибига чиқарилишини бир қанча мисоллар билан асослашим мумкин.

Биринчи ва энг муҳим жиҳат, Президент олиб бораётган, юри-таётган сиёсатнинг ниҳоятда но-зиқлиги ва пухта ўйлангани билан боғлиқ. Очиги, қўнчилик қатори менга ҳам бу ишлар бундан айтайлик, уч-тўрт йил илгари амалга оширилганда ҳам бўларди, деган қараш бегона эмас эди. Бироқ масаланинг ва кечаётган жараёнларнинг узвийлигини таҳлил қилиб, бу ишларнинг пухта режа асосида амалга оширилаётганини англадим. Дарҳақиқат, агар бизда тўрт йил илгари шу масала кўтарилганда қандай аҳвол бўларди, халқаро жамоатчилик, қолаверса, ҳақиқий қандай қабул қиларди? Деярли ўз ҳолига таъриф қўйилган таълим тизими, маориф ва маънавий-мафкуравий соҳалар, айниқса, давлат тилининг уятли аҳоли... Шундай бир ҳолатда ҳаёот тилларини ўрганишимиз керак, деган ҳажонли чакриқ қандай акс таъсир бериши мумкин эди?

Албатта, миллий гуруҳ, шавъшавкатни баянда тутадиган миллиятимиз, жамоатчилик, қолаверса, бошқа бизга некин қарашда бўлган дўстларимиз кўнглида ҳам аввал ўз тилининг, ҳеч қурса, буюқ Навойнинг тили бўлгани учун ҳам ўзбек тилининг ҳурматини жойига қўйиш керак эмасмиди, деганга ўхшаш фикр ўтиши табиий эди, назаримда. Ва бу адолатли ҳам бўларди.

Шу нуктада Президент Мирзиёевнинг ҳаёот тилларини ўрганишни кенг тарғиб қилиш ва уни ўрганишни жорий этиш бўйича зарур механизмларни яратиш ва ишга туширишни кун тартибига қўйгани янада ойдинлашди.

Эътибор қилиб, Мирзиёев раҳбарлиги даврида энг кўп эътибор қаратилган, жон қийнатилган масала — миллий масала бўлди. Айниқса, тил масаласи. Жамиятда ва давлат ишларида тилимизнинг мавқени ошириш, унинг дунёдаги юзлаб тиллар қаторида ҳеч бир нуқсон йўқлиги, балки гўзал ва ларифтофатли она тилимиз қадимий ва бой эканини кўрсатиш, унинг нуфузини кўтаришга қаратилган ҳаёот катта ишлар амалга оширилди. Муҳим муваффақиятларга эришилди ҳам.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиши, миллий давлатчилигимиз саҳифаларига чин маънодаги тарихий воқеа бўлиб кирган Президентимизнинг БМТ минбаридан илк мартаба ўзбек тилида нукт сўзлаши, қолаверса, тилимизни ҳали тарихда бўлмаган босқич — сиёсат тили даражасига кўтаришга бўлган ҳаракат (давлатимиз раҳбарининг шу йил мамлакатимизга ташриф буюрган Венгрия Бош вазирини билан бўлган музокаралари ўзбек тилида ўтказилган) миллий давлатчилигимиздаги шонли воқеалардир. Қолаверса, маъмурий бошқарув ва давлат ишларида тилимизнинг аҳамиятини тўла таъминлаш, мактаб ва олий таълимда унинг нуфузи ва ўрганилишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, ўйламанки, бу борадаги маънаватларимизни тўла таъмин эта олди.

Сўз тил ўрганиш ҳақида кетар экан, янги муҳим жиҳатни ҳам эътиборга қўйишимиз керак. Ўзбекистоннинг

албатта. Мазкур масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ҳеч адашмаётганимиз ойдинлашди. Тарихда ўчмас эз қолдирган, инсоний тамаддулларининг бешигини тебратган аждодларимиз илм бода, жумладан, тил билан бора-борда кўп ва хўп қийматили ишларни амалга оширганлар тарихдан маънавий буюқ мутафаккир аз-Замашарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тафсири, ҳадис ва фиқҳга оид эллиқдан ортиқ асарлар яратгани, бобомизнинг араб тили грамматикаси оид "Ал-Муфассал" асари араб тили наҳву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан Шарҳда ҳам, Фарҳда ҳам шўҳрат толган асарлардан эканини бугун биз фахр билан эсга оламиз.

Ёки тарихдан кўп узоқламай XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган Ибрат домлани олайлик. Исҳоқон Ибрат дунёвий билимларни чуқур ўрганиш билан бирга, еттига тилни мукаммал мажмуи: "Олти тилли лугат", "Хатлар бағиши", "Тарихи

“Адабий тилимизнинг асосчиси ҳазрат Навоий шундай деган эди: “Кўнгли қулфи маҳранинг қулфи тил ва гулфин қалитин сўз бил”, яъни инсон қалби хазинасининг қалити сўзидир, тил наинки мулоқот, балки дилларни боғловчи восита ҳамдир. Халқимизнинг неча асрлик бой тарихи, қўҳна ва серқирра маданияти ўзбек тили таъсирида шаклланган. Тил билмоқ, ўз навбатда, дунёга ўзбек тилида сўз айтмоқ учун имкон яратайди.

бугун очик давлатга айлангани мамлакатга кўллаб инвесторлар, чет эл корхона ва компанияларини қорлаётганини ҳаммамиз кўриб туришимиз керак. Қузатган бўлсангиз, пандемия бўлишига қарамай, қўнларимизда хорижий одамлар хийла кўпайган. Эътибор берсангиз, уларнинг қўнчилиги нафақат сайёҳлар, балки иш одамлари, тадбиркорлар ва тижоратчилар эканини пайқайсиз. Демак, юртимиз ишбилармонлик ўчоғига айланмоқда. Яқинда бир хориж наشري халқаро экспертлардан бирининг минтақамиз ҳаётига бағишланган таҳлилий мақоласини берди. Унга кўра, Ўзбекистон яқин йилларда минтақанинг молиявий ва бизнес марказига айланishi мумкин.

Майли, бу кўп мулоҳазаларга олиб келадиган, қолаверса, биз танлаган мавзудан бир оз узоқроқ бўлсин. Бироқ ундан чиқариш керак бўлган сабақлар бор. Мамлакатимиз очиклигини, барча халқаро муносабатлар, шу жумладан, иқтисодиётда, бизнесда эркинлик йўлини тутиб, марра сари интилаётган экан, бизга қизиқли билдирдиган чет эл компаниялари ва ишбилармонларнинг ҳам сафи кенгайа бориши табиий. Бундай пайтда эса фарзандларимизнинг тил билиши, хорижийлар билан тенгма-тенг муносабат олиб бориши биз учун барлиги даврида энг кўп эътибор қаратилган, жон қийнатилган масала — миллий масала бўлди.

Эътибор қилиб, Мирзиёев раҳбарлиги даврида энг кўп эътибор қаратилган, жон қийнатилган масала — миллий масала бўлди. Айниқса, тил масаласи. Жамиятда ва давлат ишларида тилимизнинг мавқени ошириш, унинг дунёдаги юзлаб тиллар қаторида ҳеч бир нуқсон йўқлиги, балки гўзал ва ларифтофатли она тилимиз қадимий ва бой эканини кўрсатиш, унинг нуфузини кўтаришга қаратилган ҳаёот катта ишлар амалга оширилди. Муҳим муваффақиятларга эришилди ҳам.

Фаргона”, “Тарихи маданият”, “Замон тарозуси” каби ўндан ортиқ илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар яратган. 1886 йилда замонавий мактаб очган. 1907 йилда эса янги “усули савтия” мактабини ташкил этиб, қишлоқ болаларини ўқитган. Албатта, халқимизнинг қониди, менталитети ва эҳтиятидаги зиёга бўлган бу интилиш бугун ҳам томирларимизда жўш уриб турибди. Бунга мисол қидириб мамлакат кезиш шарт эмас. Ундай ёшлар, интилувчан, эзко йиғит-қизларни бугун ҳар қадамда учратиш мумкин.

Мана, оддий мисол. Тошкент шаҳар, Юнусово туманидаги 43-сонли умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Саидқарим Турсунбоев бешта тилни, хусусан, ўзбек, инглиз, рус тилларини мукаммал, тожик ва немис тилларини ўрта даражада билади.

У шу йил хориждаги 68 та олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Уларнинг орасида АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Италия, Сингапур, Малайзия каби мамлакатларнинг номдор университетлари бор.

Аммо иқтидорли ўқувчи хорижда эмас, ўзимизнинг маҳаллий олий ўқув юртимиздан бирида таълим олоқчи. Унинг бир гапи мени ниҳоятда тўққилантирди. Ушбу сўзларни батафсил келтиришни жозиб билдим. “Мен ўз Ватанимда ўқиб, шу ерда ишламоқчиман. Ватаним хизматига бўлсам, шу

нинг ўзи менга шараф. Токи, ўқиб давомида тенгдошларимга мотивация беришим мумкин. Шу билан бирга, ёш авлодга хорижий тиллардан сабоқ бераман. Ҳозирда ҳам ўқув марказида дарс бермоқдам. Яна бир гап, тил билиш — фақатгина дунёни билиш дегани эмас. Тил билиш бошқа фанларга йўл очади, дунёга назар солиш имконини кенгайтириб, дегандир. Мен аслида тарих, математика ва физика фанларига қизиқман. Тарих менга ўзликни, миллият ва Ватан туйғусини англашим учун, математика ва физика келажак учун керак...”

Президентимиз раҳбарлигида бошланган мазкур иш юртимизда минглаб, миллионлаб Саидқаримга ўхшаган фарзандларимизнинг камол топишида қанот вазиғларини ўташи, шубҳасиз. Амалга оширилиши кўзланмаётган тизим пухта ўйлангани билан кишига янада қулайроқ ишонч бахш этади.

Хусусан, унга кўра, эндиликда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни омма-лаштириш агентлиги ташкил этилади. Агентлик, энг аввало, дунёда самара берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарслиқларини бошқа, мактаб, лицей, олийгоҳ ва ўқув марказларида жорий этиб, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришга қўллашмоқда. Бунда таълим муассасалари, тармоқлар ва ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини (инглиз, рус, немис, француз, хитой, корейс, япон, турк, араб, форс) ўргатишни ташкиллаштирилади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва Тошкент давлат шарқшунослик университетлари, Самарқанд давлат чет тиллар институтини билан бир қаторда, ҳар бир вилоятда биттадан университет чет тиллари бўйича таянч олийгоҳ сифатида белгиланади. Инглиз тили бўйича Камбриж университети нашриёти дарслиқлари 200 та мактабда апробациядан ўтказилиб, кейинги йилдан барча мактабларга татбиқ қилинади. Йил якунига қадар бу ишларни немис, корейс, хитой ва француз тиллари бўйича ҳам ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Булардан ташқари, Британиа кенгаши, Гёте институти, Француз альянсини, KOICA, JICA, Конфуций институти каби хорижий шериклар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги йиғилишда айтиб ўтилди.

Яна бир муҳим масала — республикада чет тиллари нодавлат ўқув марказларининг асосий қисми Тошкент шаҳрида жойлашганини ҳисобга олиниб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига 1 июлдан бошлаб, қишлоқ туманларида 5 тадан чет тилларига ўқитиш нодавлат ўқув марказларини ташкил этиш бўйича танлов эълон қилиш тўғрисида топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Адабий тилимизнинг асосчиси ҳазрат Навоий шундай деган эди: “Кўнгли қулфи маҳранинг қулфи тил ва гулфин қалитин сўз бил”, яъни инсон қалби хазинасининг қалити сўзидир, тил наинки мулоқот, балки дилларни боғловчи восита ҳамдир. Халқимизнинг неча асрлик бой тарихи, қўҳна ва серқирра маданияти ўзбек тили таъсирида шаклланган. Тил билмоқ, ўз навбатда, дунёга ўзбек тилида сўз айтмоқ учун имкон яратайди.

Эртага жаҳон бўйлаб ўтказилаётган халқаро олимпиадаларда, илмий анжуманларда чет тилини мукаммал ўзлаштириш ўзбек ёшлари галаба қозонишига, дунёни лол қолдиришига, Ўзбекистон байроғи юксакларга кўтарилишига ишонаман. Бугун бунинг учун давлат раҳбари қайғуряпти, маблағ ажратяпти, мутасаддиларни фаол бўлишга чакриятти. Дунё бозорига чиқиб унча ҳам, ўз фикринини ифода эта олиш учун ҳам, тараққиётдан орқада қолмаслик учун ҳам чет тилини билиш керак. Ўзбекистон раҳбари узоқни кўра оладиган сиёсатчи. Унинг ишловлари замирида қудратли, ривожланган, саломатли Ўзбекистон мужассамлашган. Баъзи мамлакатларга қийсалганда юксалиш жадаллик билан бормоқда. Ўзбекистондан илм-маърифатга эътибор масаласида дунёнинг жуда кўп мамлакатлари ўрнатилган бўлади.

Икки йилдан буён Самарқанд давлат университетида фаолият кўрсатаётган бўлсам, Ўзбекистондаги янгилашлар, ўзгаришлар мени мудом ҳайратлантирмоқда. Ўзбекистон ёшларига чиндан ҳавасим келади. Чет тилини ўрганиш ва ўқитиш бунчалик тўлиқ, мукаммал таҳлил қилинган йиғилиш гувоҳ бўлмаганман. Тўғриси, Президент жаҳонларнинг чет тилини ўрганиш тизимини ислоҳ қилиш

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ РУСТАМ ҚОСИМОВ



Мамлакатимиз давлат ва жамият бошқаруви соҳаси оғир жудликка учради.

Кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, таниқли олим ва педагог Рустам Собирович Қосимов оғир касалликдан сўнг шу йил 7 май кuni 65 ёшида вафот этди.

Р. Қосимов 1955 йил 30 августда Тошкент шаҳрида зотлилар оиласида туғилди. Урта мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини тахсил олди.

Меҳнат фаолиятини Тошкент сув ҳўжалиги институтини бошлаб, бир неча йил давомида хорижий Шарқ мамлакатларида таржумон бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик Тошкент давлат университетини таълим қилди, ўқитувчи, катта ўқитувчи, факультет декани лавозимларида самарали ишлади, педагогик фаолиятини илмий изланишлар билан уйғун ҳолда олиб бориб, иқтисодийёт фанлари доктори илмий даражаси ва доцент унвонига сазовор бўлди.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Р. Қосимов Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Тошкент давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида кафедра мудири, факультет декани, Банк-молия академияси ректори, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари ва вазир, Жаҳон иқтисодийёти ва дипломатия университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Соҳ вазирининг ўринбосари каби масъул вазифаларда башқарилган меҳнат қилиб, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Шунингдек, у Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг бошқарув тизимида турли лавозимларида ишлаб, жамиятимизда фуқаролик институтларининг ўрни ва нуфузини ошириш борасида жонбошлик қўрсатди.

Бутун онгли ҳаётини эл-юртга беминнат хизмат қилишга бағишлаган фидойи раҳбар мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёналарида фаол иштирок этди. Ушбу даврда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, Президентининг Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Давлат маслаҳатчиси, Давлат бошқаруви академияси ректори лавозимларида қизгин фаолият олиб борди.

Кейинги йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ва айни вақтда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори лавозимларида самарали ишлаб, юртимизда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, диний-маънавий кадрларимизни тиклаш ва ривожлантириш, маҳалла институтининг ўрни ва нуфузини ошириш, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ўзининг бой билим ва тажрибаси, юксак салоҳиятини сафарбар этди.

Р. Қосимов салкам 50 йиллик меҳнат фаолияти давомида қайси лавозимда ишлаганини, доимо халқимиз ва Ватанимиз манфаатини қўлаб, фидокорона меҳнат қилди. Мамлакатимиз жамоатчилиги унинг илм-фан, таълим-тарбия соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини ошириш борасидаги хизматларини яхши билиди ва юксак қадрлайди.

Р. Қосимов давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари учун "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг етук фарзанди, таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон Рустам Собирович Қосимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, З. НИЗОМИДИНОВ

БУНЁДКОРЛИК ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Эътирофлар ортида ҳақиқат бор

Яна бир муҳим жиҳат — бунёдкорлик ишларида жонбозлик курсатаётган қурувчи-муҳандислар, лойиҳачилар меҳнати ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Бунда биргина пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар таърифига сўз оҳижлик қилиши аниқ. Эътирофлар ортидаги ҳақиқатга назар солинса, ислохотлар ташаббускорининг қурилиш ҳамда бунёдкорлик соҳасидаги 40 га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар ҳосиласи туяйли мана шундай ютуқларга эришилаётганини англаймиз. Уларни, аввало, соҳани ислоҳ қилиш, тақомиллаштириш, шафқатлики таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантиришда қўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақил давлатлар орасида ўз тараққиётини аниқ мақсад асосида шакллантириб бораётгани учун ҳам барча соҳада юксак ривожланиш сари юз тутмоқда, айниқса, қурилиш санаети бўйича МДХ давлатлари орасида пешқадамлик қилаётганлардан биридир. Бундай эътирофни қўйган ҳар қандай киши, энг аввало, кейинги тўрт йилда юртимизда ўтказилаётган туб ислохотларни кўз олдида келтириши, шубҳасиз.

Утган йилларида жамиятимиздаги бирорта соҳа эътибордан четда қолмади. Бу, айниқса, бунёдкорлик ишларида яққол кўринади. Пойтахтимизнинг янги қиёфасини яратишга қаратилган бир қатор лойиҳалар — чунонки, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Адиллар хиёбони, Фалаба боғи, Тошкент ер усти метро-си ҳамда унинг янги йўналишлари, за-

монавий кўприқлар, туризм, таълим ва тиббиёт муассасалари барпо қилинди. Мамлакатимиз бўйлаб очилаётган Президент мактаблари янги авлод кадрларини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу рўйхатни эса яна узоқ давом эттириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида ҳам илм-фан ҳамда инновацион фаолиятга маддад бериш, илмий соҳада ёшларнинг ўрнини ошириш борасида бир қатор истиқболли режаларни илгари сурди.

Хусусан, олий ўқув юртиларидаги давлат грантлари квотаси 25 фоизга ет-шундай ютуқларга эришилаётганини англаймиз. Уларни, аввало, соҳани ислоҳ қилиш, тақомиллаштириш, шафқатлики таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантиришда қўриш мумкин.

Илм-фаннинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида илм-фаннинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Унга қўра, келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингга етказилади. 2017 йилдаги нисбатан уч баробар оширилади. Ушбу мақсадлар учун боджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади.

Илгор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ҳамда фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

Бундан ташқари, "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан ёшларни магистратура ва докторантурада тахсил олиш учун нуфузли хорижий олий таълим муассасаларига юбориш квотаси 5 баробар оширилади. Илк бор 100 нафар ёшнинг нуфузли хорижий ОТМда бакалавр босқичида таълим олиши давлат гранти асосида амалга оширилади.

Олий таълимдан кейинги таълим тизими бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилиши белгиланди. 2021 йил учун илм-фан соҳасида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингга етказилиб, боджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилиши ёшларнинг илм-фанга жалб этилишини янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

Айниқса, "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юборилганлар сони 5 баробар оширилиши ёшларнинг илм-фан сирларини ўрганишда ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи муҳим имол бўлди.

Нуфузли олий ўқув юртиларининг илмий кенгашларига илмий унвонлар, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати берилганлиги, бунинг ортида ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотишга йўналтирилган тизим яратилиши мамлакатда ёш олимларнинг улуси ошишига сабаб бўлади, албатта.

Замонавий билимларни ўзлаштириш — узлуксиз ҳаётини эҳтиёж

Айтиш жоизки, илм-фаннинг барча йўналишини ривожлантириш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланиб, бу бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Келгуси йилда эса эътибор қаратилиши фикри бўлган йўналишлар сифатида физика ва чет тилларини ўқитиш устуворлик касб этади.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашуварда билим этишмаслиги, афсуски, барча соҳада сезилаётгани, шу боис қўйи поғоналарда ташаббускорлик йўқлигини, ҳолбуки, бирорта худудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ҳамда билимларсиз ривожлантириб бўлмастлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, тараққий этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиги билимлар иқтисодийёти ҳисобидан, яъни инновацион ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани бунчи яққол исботлайди.

Ҳеч шубҳасиз, ёшларнинг ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи ёшларни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб беришга мақсад йўлида бириштириш мумкин. Ортбосимиз томонидан белгилаб берилган эзгу вазифаларни улкан амалий ишларга айлантиришда ёшлар ҳар доим олдинги сафларда бўлишига ишонимиз. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак,



дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўраимиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини қуруқ эгалламасдан туриб қурилиш, машинасозлик, электротехника, IT, сув ҳамда энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак.

Янги Ўзбекистон — инсоннинг ривожланиши ва салоҳияти қадрланган давр бўлиши керак. Демак, таълимнинг барча бўғинида фанларни ўқитиш сифатини тубдан ўзгартириш, иқтисодлаштирилган мактаблар очиб, малакали педагогларни жалб этиш каби тизимли ишларни амалга оширишда камарбаста бўлишимиз лозим. Зеро, ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз тараққиётини таъминловчи муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Равшан НУРИМБЕТОВ, Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор.

МОҲИР ҲАЙДОВЧИ, ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ ВА ВАТАНПАРВАР

Ёшларни ана шундай руҳда тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўрни қандай бўляпти?

"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар қўлами ҳамда моҳияти жиҳатидан гоят муҳим. Унда барча соҳа ва тармоқлар қаторида ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларга ўқиш ва ишлаш, тадбиркорликни йўлга қўйиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш масалалари қамраб олинган.

Давлат дастури — амалда

Хусусан, Давлат дастурида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти зиммасига ташкилот базасида ёшларни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш таъминлаш вазифаси юклатилган.

Ҳўш, ушбу вазифалар ижроси қай даражада таъминланмоқда? Шу хусусида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти матбуот котиби Лазиз Бўронов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Давлат дастурида кўзда тутилган ва бошқа тегишли топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан республика

миқёсида ёшларни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш учун босқичда амалга оширилиши режалаштирилган.

Яъни биринчи босқичда шу йилнинг апрель ойидан бошлаб фуқаролар "Ватанпарвар" ташкилотининг "Ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида" "В", "ВС", "С", "D", "Е" тоифалари бўйича, иккинчи босқичда август ойидан "Техник хизмат кўрсатиш курслари" ташкил этилиб, ёшлар 5 хил касбга — вулканизатор, электрик-аккумуляторчи, газ-электр пайвандчи, чилангар, автотрицикл мутахассисликлари бўйича ўқитилади.

Учинчи босқичда эса декабрь

ойидан "Мураккаб техникаларни бошқариш курслари" йўлга қўйилиб, уларда юк ортувчи транспорт, автогидроподъёмник, юк машинаси крани, гилдиракли трактор, битта қовшили экскаватор техникаларини бошқариш бўйича ўқитилиши кўзда тутилган.

"Ёшлар дафтари" ва "темир дафтар" га киритилган фуқаролар юқоридаги касбларга бепул ўқитилади. Ушбу ҳайрли иш-рикли асосида мустаҳкам ҳамкорлик амалга оширишмоқда. Давлатимиз раҳбари ақинда ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши

ўтказиб, унда "ёшлар дафтари" га киритилганларга ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатлари боджетдан тўлаб берилиши бўйича аниқ вазифалар берилган.

Ташкилотимиз ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, юқоридаги топшириқлар ижроси учун давлат буюртмалари берилган тақдирда, "Ватанпарвар" ташкилоти республика бўйлаб ўз тасарруфидида 300 га яқин автоматотранспорт курсларида эҳтиёжманд ёшлар ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Ҳайдовчилик бўйича таълим беришга тайёр.

Бунинг учун "Ватанпарвар" ташкилоти автоматлаштирилган моддий-техника базаси, ўқув методикалари, ўқитувчилари ва Ҳайдовчи-инструкторлар малакалари халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради. Қолаверса, маҳаллий ҳокимликлар ўртасида Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилган

бўлиб, унга қўра, спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, ёшларни касбга тайёрлаш жойлардаги бўлимларимиз моддий-техника базаси ривожлантириляпти.

"Ватанпарвар" ташкилоти автоташкилотларининг афзаллиги шундаки, Ҳайдовчиликка тайёрланаётган ёшлар нафақат касбга ўқитилади, балки улар орасида мунтазам равишда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботлари ўтказилиб, спортнинг ўнлаб техник ва амалий турларига жалб этиб борилади.

Мухтасар айтганда, ёшларни моҳир Ҳайдовчиликка ўргатиш билан бирга, жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш, юртининг ватанпарвар фуқароси этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эса бугунги кундаги асосий вазифа ва мақсадларимиздан бири.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Таълим муассасалари, концернлар, корпорациялар, банклар, ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ

2020/2021 ўқув йилида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича битирувчилар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилади.

Table with columns: T/p, Код, Бакалавр таълим йўналишларининг номи, Жами, Битирувчилар сони, Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти, Жиззах вилояти, Сурхондарё вилояти, Бухоро вилояти, Қарши шаҳри, Қарши тумани, Мўрабрак тумани, Чирочек тумани, Дехқонобод тумани, Шахрисабз тумани, Китоб тумани, Яккабўғ тумани, Қамаш тумани, Қасби тумани, Ғузур тумани, Нишон тумани, Миршикор тумани, Қосон тумани

2020/2021 ўқув йилида Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиалини магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг иқтисодийёт соҳалари ва тармоқлари бўйича ишга жойлашиши тўғрисидаги маълумот.

Table with columns: T/p, Код, Мутахассисликлар номи, Жами, Битирувчилар сони, Тошкент вилояти, Бухоро вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Сурхондарё вилояти, Қарши шаҳри, Қарши тумани, Мўрабрак тумани, Чирочек тумани, Дехқонобод тумани, Шахрисабз тумани, Китоб тумани, Яккабўғ тумани, Қамаш тумани, Қасби тумани, Ғузур тумани, Нишон тумани, Миршикор тумани, Қосон тумани

Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши — Бешкент йўли 3 км. Телефонлар: 75-228-02-32, 228-10-25.

ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ҲАҚИДА

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2021 йил 22 май, соат 9:30. Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2021 йил 19 май.

Кун тартибига киритилган масалалар:

- 1. Банк қузатув кенгаши ва бошқарувининг йиллик ҳисоботи, банкнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини қўриб чиқиш;
2. Банк тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш;
3. Банкнинг 2020 йил учун соф фойдасини тақсимлаш;
4. «Ўзмилийбанк» АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг 2020 йил 11 июлдаги 3-сонли баёни 3-бандида (2019 йил банк фойдасини тақсимлаш масаласи) келтирилган акциядорларга пул маблағлари қўринишида тўланиши кўзда тутилган дивидендлардан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўланиши лозим бўлган қисмини қайта қўриб чиқиш;
5. Банк устав капиталини қўлайтириш тўғрисида ва банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарорларни қабул қилиш;
6. Банк қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
7. Банк тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
8. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш;
9. «McKinsey & Company» халқаро консалтинг ташкилоти билан биргаликда «Ўзмилийбанк»нинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

Акциядорларни ахборот (материаллар) билан таништириш: банк сайти, хат орқали, электрон хат орқали.

Advertisement for 'Халқ сўзи' magazine featuring 'Сизнинг Реклама' (Your Advertisement) and 'Бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!' (It will support your business!). Includes contact information for the advertising department.



## ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

Анджонлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Саидахмад Исаев эл-юрт ардоғида умргузаронлик қилаётган саодатманд инсонлардан. Унинг ҳаёт йўли ҳар биримиз учун ибрат намунаси.

...1940 йилда Анджон шаҳар ички ишлар бўлимида фаолият бошлаган Саидахмад ҳали касб сирларини ўзлаштириб улгурмасиданок уруш бошланди. Йигит ўз ўрнини жанггоҳларда деб билди. Ҳарбий комиссариатга учраб, мақсадини тушунтирди. Шу тарихи 1941 йилда кўнгиллилар сафида элу юрт ҳимоясига отланди.



— Жуда ҳам оғир кунларни бошдан кечирдик, — дейди Саидахмад ота Исаев. — Орадан шунча йиллар ўтса-да, хотирласам, юрагим увушади. Ҳеч ким уруш кўрмасин. Тинчликда ўтаётган ҳар бир кунимиз қадри бебаҳо.

1944 йили уйга қайтган Саидахмад Исаев Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимида иш бошлади. Кейинчалик хизматни Нукус шаҳрида давом эттирди. Фахрийликка Анджон вилояти ИИБ томонидан кузатилди.

— Юртимизда уруш қатнашчиларига эътибор ниҳоятда катта, — сўхбатда давом этади 96 ёшли уруш фахрий-

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

## ЎЗБЕК ОИЛАСИНИНГ ЭСТОН ФАРЗАНДИ

...Ўшанда 1941 йилнинг ёзи эди. “Уруш бораётган жойлардан болаларни келтиришибди”, деган хабарни эшитган ғиждувонлик Умид Турдиев туман марказига йўл олди.

Болалигини уруш ўғирлаган, қўзлардан ҳали-ҳануз кўрқув аломати сўнмаган, оч-юпун гўдакларни кўриб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Улардан бири-ни бағрига босди. Бу эстон миллатига мансуб 11 ёшли Леонард Лаук эди.

Умид болани етаклаб қишлоғи Янгиработ сари йўл олди. Хонадон бе-

каси Муяссархон ҳам болани ўз фарзандидай қабул қилди. Шундай қилиб, Лео оиланинг эркатой фарзандига айланди. Қишлоқ мактабда ўқиди, дўстлар орттирди.

Орадан чамаси қирқ йил ўтди. Ўша кезларда Ғиждувонда фидойи инсон Эркин Латипов раҳбарлигида “Қизил

изтопарлар” клуби фаолият кўрсатарди. Шу клуб аъзолари Турдиевлар хонадонига Леонардни ўз ота-онаси қидираётгани ҳақидаги хабарни етказди.

Қишлоқда дув-дув гап бўлди. Леонард она юртига йўл олди. Ота-онаси, қариндош-уруғлари билан дийдорлашди. Тугилган уйда икки ойча яшади. Кейин эса кўз ўнгидан Ўзбекистон, Муяссархон ая, Умид ота, ўз жигаридай бўлиб кетган укалари кетмай қолди — ҳаловатини йўқотди. Ота-

онасидан изн сўраб, яқинларини лолу хайрон қолдириб, Ғиждувонга қайтди. Уйга келиб биринчи айтган гапи “Мен сизларсиз яшай олмайман!” бўлди...

Қишлоқда олдий монтер бўлиб ишлаган, “кўни-қўшилардан хизмат ҳақи олмайман, чунки бу юрт одамларидан бир умр қарздорман”, дея қўли кўксига бўлган Леонард ака бундан беш йил муқаддам қазо қилди. Уни васиятига кўра Муяссар аянинг қабри ёнига дафн этишди...

Маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон уруши йилларида диёримизга рус, украин, поляк, эстон, беларусь каби кўплаб миллат вакиллари эвакуация қилинган. Биргина Бухородаги болалар уйларида уруш бораётган худудлардан келтирилган салкам тўрт минг нафар ўғил-қизлар тарбияланган. Юзлаб гўдаклар эса Леонард Лаук эътироф этганидек, бағрикенг, бир майизни қирқ бўлиб еган ўзбек хонадонларидан паноҳ топган.

Истам БЕРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

## ПИРНАЗАР БОБОНИНГ СИРИ

Навоий вилоятида истиқомат қилаётган уруш фахрийси Пирназар бобо Турдиев шу йил 20 май куни 102 ёшга кирди. Узининг айтишича, аслида ёши бундан-да улуроқ, фронтга жўнаши олдидан ҳарбий комиссариатдаги зобитта буни исботлаб ҳам берган.

— Урушга кетишимиз хануз кўз ўнгимда: станция (ҳозирги “Навоий” темир йўл бекати)га қараб, пидеа йўлга тушдик, — дея хотирлайди Пирназар ота. — У пайтлар “Қосим шайх” макбарасидан нарисни яланглик, станциягача янтоқзор эди. Станциядан поездга ўтқиздио фронтга олиб кетди.

Пирназар Турдиевнинг ҳарбий хизмати олти йил — 1947 йилгача давом этади (шундан сўнгги икки йили Болтиқбўйида кечган). Бу ораликда тўрт марта яраланиб, уйига икки марта қорҳақ келди.

— Хизматдан қайтиб, қирқ йил хўжалиқда темирчилик қилдим, — дейди отахон. — Кундузи устахонада, кечаси алламаҳалгача мана шу уйни қуришда ишлайман.

Пирназар бобо тўла қайта таъмирланиб, айна пайтда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилаётган уйга ишора қилади (таъмирлаш ишлари ҳокимлик томонидан амалга оширилмоқда).

— Ёш эканман, ўзимни аямай ишладим, — давом этади отахон. — Бугун мана бу ёшларнинг қилаётган ишига

ичим қисилиб кетади. Кетмонни тиззасидан баланд кўтармайди. Қулочқашлаб урмайсанми, дейман, ер титрасин. Пирназар Турдиев зиёратга келган тумандаги 15-умумталим мактаби ўқувчиларига шу йилги дехқончилигини кўрсатади. Мақтаниш учун эмас, шунчаки, уларнинг “Узоқ умр кўришинг сирини нимада?” деган саволига жавобан.

Чиндан ҳам, Пирназар бобо билан қўл бериб саломлашган киши қўлларидида қадокни дарров ҳис этади. “Мехнатга, яратувчанликка боғланган кўнгли рив ва ғирромликдан йироқ бўлади. Узоқ умрнинг муҳим сирларидан бири шу”, дейди отахон.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

## ДУОГҲЙ НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА



Вилоят ҳокими Фарход Эрманов вилоят муҳофаа ишлари бошқармаси, жамоатчилик вакиллари ҳамда ҳарбий оржестр ҳамроҳида Янгйбозор туманининг Қаландардўрман қишлоғида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдулла Аҳмедов хонадониди бўлиб, отахонга давлатимиз раҳбарининг табрик, муқофот ва совғаларини тантанали равишда топширди.

Хоразм вилоятида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийлари хонадонларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олинмоқда.

Абдулла бобо бу йил 96 баҳорни қарши олди. Урушдан қайтган, 1966 йилгача қишлоқ хўжалиги соҳасида, кейин Янгйбозор қурилиш-монтаж бошқармасида механик вазиқасида ишлади. Нафақага чиққач, неварачеваралари, яқинлари ардоғида яшамоқда. — Қайнотанин отам ўрнида кўраман, — дейди Абдулла бобонинг келини Қурвоной Қаландарова. — Тақдир экан,

25 ёшимда икки нафар фарзандим билан бева қолдим. Шундан сўнг отам умрини бизга бағишлади, икки фарзандимнинг кўнгли ўқисишга йўл қўймади. Йиллар мобайнида фақат биз учун яшаган отамизнинг хизматини қилиб, дуосини олиш бахти насиб этганига шўқрона айтман. Минг шўқри, 73 ёшга кирдим, неварачеваралар йилгиса, бир уйга сиғмайди. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор учун оиламиз номидан миннатдорлик билдираман. Бугун Хоразм вилоятида 17 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 870 нафар фронт-орти меҳнат фахрийси давлатимиз ардоғида, халқимиз эъзозидида ҳаёт кечирмоқда.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ЎРНИДА

**«Дўстлик» орденли**  
**Навоий кон-металлургия комбинати**  
**меҳнат жамоаси**  
**Ўзбекистон аҳолисини**

**Хотира ва Қадрлаш куни билан табриклайди!**

Ҳозирги ва келажак авлод уруш даҳшатларини билмаслиги, тинчлик ҳамда барқарорликнинг қадрига етиши учун ҳар бир инсон ўтмишдаги синовлардан сабоқ чиқариши лозим.

Қаҳрамонларни эслаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатар эканмиз, бугунги кунимизни, самарали меҳнат қилиш ва келажакка ишонч билан қарашга имкон берувчи яратувчанлик муҳитини янада қадрлаймиз.

Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахтли ва муносиб ҳаёт тилаймиз.

**Азиз юртдошлар!**

**«Олмалиқ КМК» АЖ**

барчангизни

**Хотира ва Қадрлаш куни**  
**билан муборакбод этади!**

Бугунги фаровон ҳаётимиз ва мусоффо осмонимиз учун, энг аввало, фахрийларимизга миннатдорлик билдириб, уларга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик тилайди!  
**Ватанимиз тинчлиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотираси барҳаёт!**

Барчангизга тинч ва осуда ҳаёт, бахт-саодат ҳамда оилавий хотиржамлик ҳамроҳ бўлсин!

Юртимизда доим тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!

Газетанинг навбатдаги сони 10 май, душанба куни чиқади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 548. 26 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркуллов.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.10 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6